

«Ўзкимёсаноат» АЖ, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда "ACWA Power UKS Green H2" қўшма корхонаси ўртасида Кредит ва Кафолат шартномалари имзоланди.

// 12.09.2024

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/uzkimyosanoat-azh-evropa-tiklanish-va-taraqiyot-banki-hamda>



«Ўзкимёсаноат» АЖ, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда "ACWA Power UKS Green H2" қўшма корхонаси ўртасида Кредит ва Кафолат шартномалари имзоланди.

«Ўзкимёсаноат» АЖ томонидан Саудия Арабистонининг «ACWA Power» компанияси билан ҳамкорликда Тошкент вилоятида МДХ давлатлари ва Ўрта Осиёда ягона бўлган яшил водород ишлаб чиқаришни ташкил этиш йирик инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Мазкур лойиҳа доирасида электролизерлар ўрнатиш орқали водород ишлаб чиқариш ва электролизерлар истеъмолини қоплаш учун шамол турбиналарини ўрнатиш режалаштирилган.

Аҳамиятlisi, жорий йилнинг 10 сентябрь куни «Ўзкимёсаноат» АЖ раҳбарияти, «ACWA Power»

компанияси ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки вакиллари иштирокида, лойиҳани молиялаштириш учун энг йирик молия институтларидан бири - Европа тикланиш ва тараққиёт банки томонидан кредит ресурслари (Эқуитй Бридге Лоан) жалб қилиниши юзасидан Кредит ва Кафолат шартномаларини имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Шуни ҳам таъкидлаш лозим, мазкур ўзлаштирилаётган паст фоизли кредит ресурслари давлат кафолатисиз тўғридан-тўғри лойиҳани молиялаштиришга йўналтирилади.





Uzkimyosanoat



**"YASHIL VODORODNI ISHLAB CHIQRISH" LOYIHASI DOIRASIDA
KREDIT VA KAFOLAT SHARTNOMALARINI IMZOLASH MAROSIMI**
Toshkent shahri, 2024-yil 10-sentabr

**SIGNING CEREMONY FOR LOAN AGREEMENT AND GUARANTEE AGREEMENT
FOR GREEN HYDROGEN PILOT PROJECT IN UZBEKISTAN**
Tashkent city, September 10th, 2024



Uzkimyosanoat



uzkimyosanoat uzkimyosanoat.uz (+99878) 140-74-26



«Ўзкимёсаноат» АЖ Матбуот хизмати